

**ОЛМАНИНГ КЕЧКИ НАВЛАРИ ХОСИЛДОРЛИГИГА ИНТЕНСИВ
БОҒЛАРДАГИ ДАРАХТЛАРНИ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Матмусаева Гулмирахон Арип қизи

Андижон қишлоқ хўжалиги агротехнологиялари

Институтини 1-босқич магистранти

Атабоев Муродил Расулович

Ибрагимов Нозимжон Комилжон ўғли

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий

тадқиқот институти Андижон илмий

тажриба станцияси илмий ходимлари

The article: provides information on the indicators of productivity and marketable fruits of the Pink Lady apple variety in optimal planting schemes.

Хар қандай қишлоқ хўжалиги экиларидан сифатли юқори ҳосил олиш энг аввало экишсхемаларига боғлиқ. Экинларини экиш схемалари такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар интенсив олма боғларида дарахтларни жойлаштириш схемаларини оптималлаштириш навларнинг юқори ҳосилдорлик бегиларини тўла номоён қилган ҳолда ва юқори сифатли маҳсулот етиштиришга имкон беради.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси **уруғлик ҳосилли олма боғларида ўтказилган Дала тажрибалари Биометрик ўлчовлар ҳосиллик ҳамда ярим ҳосилсиз боғларда Тажриба уч қайтарикда 7 та ўсимликда тажриба олиб борилди. Тажрибалар Х.Ч.Буриев ва бошқа маънабалардан “ Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси (2014), В.Ф.Моисейченконинг “Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами” (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсияларга мувофиқ тажриба ўтказилди.**

экиш схемаси м	Озиқаниш майдани м ²	Кўчат қалинлиги, туп/га	1 туپ мева вазини	1 туپ мева сони	1 дона мева вазин	ҳосилдорли ц\т	Товарбоп маҳсулот кг
4x0,8	3,2	3125	3,564	27	0,132	111	8910
4x1,25	5	2000	5,76	30	0,18	108	9720
4x1,5	6	1666,7	7,095	33	0,215	118	10643
4x2,5 назорат	10	1000	6,65	37	0,19	67	5985



Интенсив олма боғларида экиш схемалари кўчатларни ўсиб ривожланига кучли даражада таъсир этувчи арготехник тадбирлар ҳисобланади

Янги интенсив олма боғлар барпо этилаётган олманинг нави, пайвандтаг тури, шохшаббасининг кенглиги ва унинг таркалиши фазовий ҳолатининг жойлашуви муҳим омиллар ҳисобланади. Экиш схемасининг таъсири, энг аввало, дарахтларнинг вегетатив ривожланишида ўз аксини кўрсатади. Ҳар хил экиш схемаларида барпо этилган олма навларида ўсув ва гул куртакларининг ёзилиш муддатини кузатиш улар орасида маълум тафовут бўлишини қайд этиш имконини беради.

Биобарин, олманинг ММ-106 пайвандтагига пайвандланган кечги “Пинк ледий” навида олиб борилган кузатишлар натижаси шуни курсатдики дарахтларнинг озикланиш майдони кенгайган сари меваларнинг етилиши жаддалашиб касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши камайиб юқори сифатли маҳсулот олиш кузатилди. Бу айниқса 4x1.5 схемада экилган дарахтларда яққол кузатилди. Пинк ледий навининг 4x1.5 схемада экилган кўчатларнинг бир дона мева вазини ўртача 215 грамми бир тупдаги ҳосилдорлик 7.095 килограммни ўртача ҳосилдорлик 113 центнерини ташкил этиб. Стандарт бозорбоп маҳсулот ҳажми 10148 кг ташкил этди. Назорат вариантга нисбатан ҳосилдорлик 28 ц\тга, бозорбоп маҳсулот ҳажми 2720 кг бозорбоп маҳсулот териб олинганлиги кузатилди. Колган вариантларда шу жумладан Пинк ледий навининг 4x1.25 схемада экилган кўчатларнинг бир дона мева вазини ўртача 160 грамми бир тупдаги ҳосилдорлик 5.74 килограммни ташкил этиб назорат вариантга нисбатан паст кўрсаткични намён қилди. Ўртача ҳосилдорлик 103 центнерини ташкил этиб стандарт бозорбоп маҳсулот ҳажми 9720 кг ташкил этиб назорат вариантга нисбатан ҳосилдорлик 28 ц\тга, бозорбоп маҳсулот ҳажми 2720 кг юқори бозорбоп маҳсулот териб олинганлиги кузатилди. Бу вариант назорат вариантга нисбан 62 фоизга юқори ҳосил кузатилди бозор талабига мос 61.5 фоизга юқори олма мевалари сараланиб олинди.

Олинган натижаларга асосланиб Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси Избоскан тумани ҳудуди учун Интенсив олма боғлар барпо этиш учун кечки олманинг Пинк ледий навининг ММ-106 пайвандтагига пайвандланган кўчатларини энг мақбул экиш схемалари 4x1.25 ва 4x1.5 м қилиб экиш тавсия этилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Караходжаева Г.М., Бобоева Ҳ.А. Интенсив М-9 пайвандтагдаги олма боғлари учун янги маҳаллий ва интродукция қилинган навларнинг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиш // Минтақалараро мевачилик ва узумчиликнинг ҳолати, муаммолари, истиқболлари мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. (Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва



виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилганининг 120 йиллигига бағишланган). Тошкент, 2018. 63-67-б.

2. Сенин В.И., Ковалева А.Ф. Продуктивность яблони на подвое М9 в уплотненных посадках // Садоводство и виноградарство. – 1992. – №7. Стр. 11-13.

3. Тарасенко М.П. Влияние качества посадочного материала на продуктивность плодовых насаждений. // Основы технологии интенсивного садоводства в Украинской ССР. Киев, 1978. Стр. 9-15.

4. Якубов М.М., Назарова Д.Қ., Бобоева Ҳ.А. Интенсив олма боғлари фенологик фазаларининг ўтишига иқлим шароитларининг таъсири// Ўзбекистонда мевачилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг асосий омиллари. Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. – Тошкент, 2017. 35-38-б

5 Намозов, И.Ч, Енилеев Н, Эргашева Д Олманинг кузги навлари ўсиши ва гул куртакларининг ёзилишига интенсив боғлардаги дарахтларни экиш схемаларининг таъсири Ташкент Агроилм 2020 36-37-б

